

МАҲКУМЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ПЕНИТЕНЦИАР ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

Насритдинов Азизхон Анварович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақола пенитенциар жиноятчилик тушунчаси, унинг юзага келиш сабаблари, олдини олишдаги профилактик тадбирларнинг ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатларини ёритишга қаратилган.

Таянч сўзлар: Калит сўз ва иборалар: жиноят-ижроия тизими, пенитенциар муассаса, маҳкумлар жиноятчилиги профилактикаси, унинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий характери.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги жиноятчилик мураккаб табиатга эга, бу жиноий жазоларни ижро этишдаги ўзига хос зиддиятлар, ижтимоий-маънавий, руҳий-психологик ҳодиса ва жараёнлар билан узвий боғлиқ. Бундан ташқари, кўпинча маълум бир жиноий кўриниш нафақат алоҳида қурбонларга зарар келтиради, колониялар, тергов ҳибсхоналари, турмалар фаолиятини издан чиқаради, балки пенитенциар муассасаларда тотал шафқатсизлик ва зўравонлик ҳолати орқали аксарият маҳкумлар манфаатлари ва ҳаётсизлигига дахл қилади.

Пенитенциар жиноятчилик (лотинча, «*penitentiarius*» – тавба қилиш, пушаймон қилиш) – бу мажбурий тарзда жамиятдан изоляция қилиш шароитида жиноий ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар тизимидир.

Пенитенциар жиноятчилик – пенитенциар муассасалар, яъни озодликдан маҳрум қилиш жойларида содир этиладиган ҳамда содир этиш жойи билан белгиланадиган жиноятдир. Бунга жазони ижро этиш муассасалари, маҳкумларни даволаш муассасалари, манзил-колониялари, тарбия колонияси, турмалар, тергов ҳибсхоналарини ташкил этади. Унинг хусусиятлари пенитенциар тизими муассасаларидаги ўзига хос шароитлар ва маҳкумларга оид ижтимоий махсус муҳит билан белгиланади. Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизими пайдо бўлганидан бошлаб пенитенциар жиноятчилик муаммоси долзарб бўлиб келмоқда. Мавжуд статистик маълумотларга кўра, 2025 йилнинг ўтган 3 ойи давомида жами 382 та (2023й–862 та, 2024й–1055 та) жиноятлар фош этилган бўлиб¹, шулардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 15-моддасига асосан Ижтимоий ҳафзлилик даражасига кўра қуйидаги кўринишга эга:

- Ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноятлар – 59 тани;
- Унча оғир бўлмаган жиноятлар–103 тани;

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭД Тезкор-қидирув бошқармасининг статистик маълумотномаси

- Оғир жиноятлар – 172 тани;
- Ўта оғир жиноятлар – 48 тани ташкил этади.

Ушбу жиноятчилик криминологик хусусиятларини (жамиятдан изоляциялаш шароити, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташнинг белгиланган тартибини бузиш, латентликнинг ликнинг юқори даражаси) инобатга олган ҳолда, мазкур ноқонуний ҳаттиҳаракатларнинг олдини олиш зарурати мавжуд.

2024 йил давомида 103 нафар маҳкумлар томонидан **100 та** (2023–115) жиноят содир этилган. Шундан, 46 таси ЖИЭКлар (46%), 47 таси МКлар (47%) ва 7 таси ТХлар (7%) ҳиссасига тўғри келади. Маҳкумлар томонидан содир этилган тури таҳлил қилинганда асосан, ўғрилик, талончилик, фирибгарлик, ҳақорат қилиш, қотиллик, маҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, тан жароҳат етказиш, бўйсунмаслик, қаршилик кўрсатиш, пора бериш, чегара бузиў, гиёҳвандлик моддалари олди савдоси ва конституцион тузум ва жамоат ҳавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларни ташкил этади.

Пенитенциар жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари ҳақида гапирилганда, шунинг эса тутиш керакки, маҳкумларнинг асосий қисми, айниқса жазони ижро этиш муассасаларда муддатини биринчи марта ўтамаётганларнинг интеллектуал даражаси чекланганлиги, эҳтиёжлари примитивлиги, руҳий ҳолатининг ўзгачалиги билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида ҳаттиҳаракатлар табиати ва мотивларига таъсир кўрсатади. Маҳкумлар мотивлари ўзининг бир томонламалиги ва торлиги билан фарқланади, бунга сабаб ушбу жойлардаги яшаш шароитлар, бошқа маҳкумларга қарамлик, аввало моддий эҳтиёжларни қондириш, ўз соғлиғи, ҳаёти ҳавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш эҳтиёжи мавжудлигидир.

Пенитенциар жиноятчиликни олдини олиш, бу – озодликдан маҳрум этиш жойларида жиноятларнинг детерминант омилларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этишга, маҳкумларга профилактик таъсир қилишга, шунингдек, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларга қарши ишлаб чиқилган тадбирлар ва уларни такомиллаштиришга қаратилган фаолиятдир.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларида жиноятчиликни олдини олиш фаолияти, биринчи навбатда устуворлик қилаётган тажоввузкор кайфиятни енгишга қаратилган фаолиятдир. Шу билан бирга лан бирга бу, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишни, маҳкумлар яшаш ва ишлаш шароитини яхшилашни талаб қилади.

Фикримизча, пенитенциар жиноятчиликни олдини олиш бўйича қуйидаги чораларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, булар:

- маҳкумлар билан доимий равишда профилактик суҳбат олиб бориш;
- негатив ҳисобда турган маҳкумларни соҳавий хизмат ходимларига

бириктириш;

- тезкор бўлинмалар томонидан назоратга олиниши;

- жиноятни олдини олиш мақсадида жиноят содир этишга моил бўлган шахсларни ҳаракатларни блоклаш;

- маҳкумлар таълим ва касбий-техник даражаларини ошириш, бўш вақтини тўғри ташкил этиш соғлом психологик муҳитни яратишга имкон беради. Мутахассислиги бўлмаган, маълумот даражаси паст маҳкумлар атроф-муҳитга нисбатан танқидий муносабатда бўлолмайди, бошқалар томонидан енгил таъсирланади, ноформал хулқ-атвор қоидаларига йўналиши осонроқ кечади.

Умумий таълим ва касбий тайёргарлик бошқа профилактик тик чораларни қўллаш учун ҳам муҳим шартдир.

- Иқтисодий чора-тадбирларни энг самарали амалга ошириш учун жазони ижро этиш муассасаларида кўшимча иш ўринларини ташкиллаштириш билан бирга, маълум бир фаолият тури учун белгиланган қоидаларга ва хавфсизлик чораларига мувофиқ зарур иш шароитлари керак. Шунингдек, маҳкумлар ишини назорат этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

- Ҳуқуқий характердаги чора-тадбирлар ҳам бир қатор таркибий қисмларни ўз ичига олади. Биринчидан, бу давлатнинг қўллаб-қувватлаши, жазони ижро этиш тизими фаолиятини ва натижада маҳкумлари аҳволини яхшилашга қаратилган нормативҳуқуқий ҳужжатларни яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга оширилади.

- Учинчидан, пенитенциар жиноятчиликни олдини олишда маҳкумларга зарурий юридик ёрдам кўрсатиш муҳим роль ўйнайди. Бу зарур билимлар соҳасидаги мутахассислар билан маслаҳатлашувлар, адвокатлар қўллаб-қувватлови, зарур ҳолларда вакиллик қилишда ёрдам бериш ва керакли маълумотларни тақдим этишни ўз ичига олади. Пенитенциар жиноятчилик рецедив жиноятнинг таркибий қисмидир. Аммо маҳкумни нега жиноят содир этганини, айниқса қайта содир этиши сабабларини аниқламай туриб, уни ахлоқан тузатишга киришишнинг фойдаси йўқ. Маҳкумлар билан ишлайдиган мутахассисларнинг индивидуал иши билан тўлдирилиши лозим. Бу ерда гап содир этилган қилмишнинг мотивацияси(мотивлари)ни тушуниш ҳақида, маҳкумни стрессли, тажовузкор, эзилган ва тушкунлик кайфиятларидан холос қилиш, давом этаётган ўзгаришлар фонида ҳиссий бефарқликка қарши курашишга қаратилган психологик ёрдам ҳақида кетади.

Маҳкумлар шахсий хавфсизлигини таъминлаш масаласи, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг жиноятларини олдини олишда алоҳида муҳим ўрин тутаяди. Шахсий хавфсизлик кафолатли таъминланманганлиги боис, маҳкумлар ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари орқали ўзлари ва бошқаларга нисбатан жисмоний шикаст етказадилар, энг оғир

вазиятларда эса, зўравонликка асосланган ўта оғир жиноят – қотилликни содир этадилар. Бундай ҳолатларда шахсий хавфсизликни таъминлаш, бу – муайян тоифадаги маҳкумларга можароли вазият пайдо бўлишига йўл қўймаслик ёки уни бартараф этиш усулларини ўргатишдан иборат. Ушбу турдаги психологик ишлар жамоадаги муносабатларни уйғунлаштиришга имкон яратади, ижтимоий кескинликни юмшатади ва жиноят содир этишга тайёр туришни камайтиради. Профилактик ишларни амалга оширишда жазони ижро этиш муассасалари учун ўзига хос бир қатор объектив ва субъектив омилларни ҳисобга олиш зарур. Буларга жазони ўташ шароитлари, ижтимоий, психологик, тарбиявий ишлар аҳволи, моддий-маиший таъминот, интизомий амалиёт ва бошқалар киради. Бундан ташқари, пенитенциар жиноятларни олдини олишда профилактик чораларни комплекс равишда қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Айнан юзага келаётган муаммо, низо ва можароларни ҳал этишга комплекс ёндошув, асосий мақсад бўлмиш – озодликдан маҳрум қилиш жойларида жиноятчиликни аниқлаш ва бартараф этиш энг яхши самара беради. Юқорида келтирилганлардан хулоса чиқариб шуни таъкидлаш керакки, пенитенциар жиноятчиликни олдини олиш ва профилактикаси бу яхлит ижтимоий жараён бўлиб, ўзига хос хусусиятга эга бўлган маҳкумлар томонидан содир этиладиган ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашга, чек қўйишга қаратилган турли тадбирлар, маҳкумлар билан ўтказиладиган тарбиявий ишлар, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жойларида жиноятчиликка қарши курашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштиришдан иборат. Биз унинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатларини, шунингдек тўғри қўлланилганда ва ўзаро таъсирлашганда пенитенциар жиноятчи шахсига ҳамда пенитенциар жиноятчилик олдини олиш ва унга қарши курашишда самарали таъсир кўрсатувчи индивидуал ва умумий профилактика чораларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, пенитенциар жиноятчилик профилактикаси нафақат амалиёт шакли сифатида, балки илмий билимлар концептуал тизими, озодликдан маҳрум этиш жойларида ғайри-ижтимоий намоён бўлишларнинг олдини олишга қаратилган амалий фаолият генезисидан олинган билимлар, назария сифатида ҳам кўриб чиқилиши лозим.

Адабиётлар:

1. С. А. Хохрин. Уголовно-исполнительная характеристика пенитенциарной преступности. //Известия Тульского государственного университета. Экономические и юридические науки// 2014.
2. Российская криминологическая энциклопедия / Под общ. ред. А.И. Долговой. – М., 2000. С. 596.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭД Тезкор-кидирув бошқармасининг статистик маълумотномасидан олинган.

4. Т.Г. Терещенко. К вопросу о системе мер предупреждения пенитенциарной преступности. Вестник Могилевского института МВД. 2016., С. 272. // www.institutemvd.by

5. А.О. Макаренко. Актуальные вопросы современной юридической науки: теория, практика, методика: материалы Международной заочной научно-практической конференции. (Могилев 2019-07-17)